

Тонгги ва кечки дуолардан



14:07 / 18.04.2024 3127

Амр ибн Шуайб отасидан, отасида бобосидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Кимки эрталаб ва кечқурун қуёш чиқиши ва ботишидан олдин юз марта «Субҳаналлоҳ» деса, юзта туя (садақа қилгани)дан афзал бўлади.**

Кимки эрталаб ва кечқурун қуёш чиқиши ва ботишидан олдин юз марта «Алҳамдулиллаҳ» деса, Аллоҳ йўлида юзта отлиқни жиҳозлаганидан афзал бўлади.

Кимки эрталаб ва кечқурун қуёш чиқиши ва ботишидан олдин юз марта «Аллоҳу акбар» деса, Аллоҳ йўлида юзта қул озод қилгандан афзал иш қилган бўлади.

Кимки «Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шариика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъалаа кулли шай`ин қодир», деб қуёш чиқиши ва ботишидан олдин юз марта айтса, ҳеч ким унинг келтирган савоб амалидан ортиқ савоб келтиролмади, магар, кимки шуни айтса ёки ундан зиёда қилса келтира олади», дедилар».

Маъноси: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У ёлғиз, Унинг шериги ҳам йўқ, бутун мулк Уники, ҳамд ҳам Унга хос ва У ҳар бир нарсага қодирдир».

Имом Табароний ва Насоийлар ривояти.